Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 5 апрель Шанба.
№ 28 (14422)

*Иқтидорлилар — юрт бахти*

## САРДОРНИНГ ОРЗУЛАРИ

*Сардор ҳали 12 ёшда. Лекин у билан суҳбатлашганимда, ўзини катталардай тутиб, ҳар бир мавзуга мос янгиликлар топиб сўзловчи бу бола мени қизиқтириб қўйди.*

*У билан гимназияда дарслар тугаганда учрашдик.*



**— Ҳозир дарсдан чарчаб чиқдинг, уйга бориб мазза қилиб телевизор кўриб, дам олсанг керак, — дедим атайлаб.**

— Йўқ. Мен умуман телевизор кўрмайман.

**— Нега?**

— Аввало вақтим йўқ. Кейин ур-тўполон кинолар, шоулар ёқмайди.

**— Унда нима ёқади?**

— География билан шуғулланиш, инглиз тилида сўзлашишни ўрганиш, тарихни ўқиш, яна...

Тўғриси, Сардорга ҳавасим кела бошлади. Чунки, ўша тўполон кинолару шоулар мени ҳам чарчатади, ҳали булар-ку бола экан.

Сардор китоб ўқишни, ёзишни ўрганганда ҳали мактабга бормаганди. Онаси Гулузрохон ҳам, дадаси Урайимжон ака ҳам шифокор бўлсалар-да, Сардордаги қизиқиш бутунлай ўзгача эди.

Андижон шаҳридаги 1-гимназияда Сардор Усмоновга ўхшаган иқтидорли болалар кўп. Аммо Сардорнинг инглиз тилида америкалик меҳмонлар билан бемалол сўзлашиб, ўз фикрини эркин баён эта олиши меҳмонларни ҳам ҳайратга солди.

— Сардор инглиз тили билан шуғуллана бошлаганига ҳали бир йил бўлгани йўқ, — дейди унинг онаси. — Бир йилда шунча ўзлаштириш унинг ёшида жуда катта муваффақиятдир.

Гимназияда унга инглиз тилидан сабоқ берувчи муаллимаси Светлана Уральскаянинг шоҳидлик беришича, Сардор ҳозир юқори синф ўқувчилари даражасида билимга эга бўлишга улгурди. Шунинг учун ёши етмасдан унинг билимларини синаб кўриш мақсадида ўқувчиларнинг вилоят олимпиадасига олиб келишди.

Сардор кеча-кундуз ҳаяжон билан тайёргарлик кўрди. Лекин...

— Мен иқтидорли болаларга берилаётган эътибордан хурсанд бўлиб, ўғлимни вилоят олимпиадасига бирга олиб келдим. Аммо халқ таълимининг нуфузли бошлиқларидан бири бизга қаттиқ қаршилик қилди, — дейди Гулузро. — Мен боланинг кўнгли чўкмасин, конкурсдан ташқари бўлса ҳам синаб кўринглар, деб илтимос қилдим. Ҳеч ким қулоқ солмади.

Иқтидорли болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш кераклиги ҳақида бутун республика қайғураётган пайтда бу эътиборсизликни қандай тушуниш мумкин?!

Сардор америкалик муаллим Дэвид Айзикка ҳам ёқиб қолди. Унинг устозлари яна биттага кўпайди.

Мен Сардордан бўш вақтлари ҳақида сўрадим:

— Сузишга қатнайман, Бадиий китоблар ўқийман. «Робин Гуд», «Карлсон ва кичкинтой» асарларини, умуман, саргузашт асарларни яхши кўраман. Бутун дунёни кезиб чиқишни орзу қиламан.

**— Катта бўлсанг ким бўлмоқчисан?**

— Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетига кириб ўқимоқчиман. Президентимизга ўхшагим келади.

**— Нега энди албатта Юртбошимизга ўхшамоқчисан? — деб куламан.**

— Чунки, худди Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов сингари жон куйдириб ишлагим келади.

Ҳали 12 ёшга тўлиб-тўлмаган болакайнинг «жон куйдириб» ишлаш ҳақида ўйлаши эртанги кун ҳақидаги умидларимизга қанот бағишлайди. Юрт келажаги эса ана шундай жонкуяр, зукко ва билимли фарзандлар қўлидадир. Исми жисмига монанд САРДОРБЕКнинг ҳам орзулари ушалсин!

**Муҳаббат ОТАМИРЗАЕВА,**
**«Туркистон» мухбири.**

## Пахтакор 40

***Барчамиз учун севимли «Пахтакор» командаси ташкил этилгани ва шу номдаги Тошкент ўйингоҳи қурилганига қирқ йил тўлди. 3 апрел куни «Пахтакор» стадионида қутлуғ санага бағишланган катта спорт байрами ўтказилди.***

... Анъанавий карнай-сурнай садолари остида стадионга мураббийлар кириб келади. «Пахтакор» жамоасининг кўплаб собиқ ўйинчилари ҳам шу ерда. Уларнинг кўпчилиги республикада хизмат кўрсатган мураббий, спорт устаси фахрий унвонлари соҳибидир. Стадион бўйлаб «Пахтакор» жамоаси босиб ўтган шонли йўл солномаси жонланади. Жамоанинг бир неча авлоди вакилларини тўпланганлар олқишлар билан кутиб олади. Улар орасида 1956 йил илк бор мамлакат чемпионатида тўп сурган футболчиларимиз — республикада хизмат кўрсатган мураббийлар Акмал Азизхўжаев, Анатолий Казенков, спорт усталари Виталий Суюнов, Манноп Ёқубов ва «Пахтакор»нинг кейинги авлод вакилларидан Биродар Абдураимов, Вилгельм Қаххоров, Аҳрол Иноятов, Баҳодир Иброҳимов, Тўлаган Исоқовлар бор. Уларга гуллар, эсдалик совғалари топширилди. Усмирлар ўртасида жаҳон ва Европа чемпиони, ўн иккинчи Осиё ўйинлари олтин медали соҳиби, хизмат кўрсатган спорт устаси Миржалол Қосимов, иккинчи Осиё ўйинларининг чемпиони, хизмат кўрсатган спорт устаси Аъзамат Абдураимовлар ҳам гулдурос қарсаклар билан кутиб олинади.

Ўтган қирқ йил анчагина воқеаларни ўз ичига олади. Ана шу давр мобайнида севимли жамоамизнинг бир қанча мураббий ва ўйинчилари орамиздан кетди. Уларга ушбу қувончли кунларни кўриш насиб этмади. 1979 йил 11 август куни «Пахтакор» жамоаси аъзолари авиация фалокатига учради. Бахтсиз тасодиф ўн етти баҳодирни орамиздан юлиб кетди. Юбилей иштирокчилари уларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Юбилей шарафига «Пахтакор» ва Алматининг «Қайрат» футбол жамоалари фахрийлари ўртасида учрашув ўтказилди. Қизиқарли ўтган бу ўйин 2:1 ҳисобида ўзбекистонлик футболчилар фойдасига ҳал бўлди. Тантаналар санъат усталарининг концерти билан якунланди.

Тадбирда Республика Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев, Ўзбекистон футбол федерациясининг президенти, ички ишлар вазири З. Алматов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.




**Вазирлар Маҳкамасида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика Мувофиқлаштириш кенгаши мажлиси бўлди. Бош Вазир Ў. Султонов раҳбарлигида ўтган йиғилишда мазкур соҳадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришнинг тактика ва стратегияси белгилаб олинди.**

**Бугун Термиздаги «Алпомиш» ўйингоҳида миллий кураш бўйича ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган III халқаро турнир бошланди.**

**Икки кун давом этадиган мазкур мусобақаларда юртимиз полвонларидан ташқари Марказий Осиё республикалари, Япония, Туркия, Россия ва грузиялик спорт усталари ҳам иштирок этишлари кутилмоқда.**

**Ғолиблар Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини — «Нексия», вилоят ҳокимлигининг «Дамас», «Камолот» жамғармасининг «Тико» автомашиналарига сазовор бўладилар.**

**(Газетамизнинг кейинги сонида мазкур беллашув ҳақидаги ҳикоямиз билан танишасиз).**

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида давлат мукофотлари қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш ҳақида» 1997 йил 23 январдаги Фармонига мувофиқ тасвирий ва амалий санъат, халқ ҳунармандчилиги соҳасида Камолиддин Беҳзод номидаги давлат мукофотининг таъсис этилганлиги муносабати билан 1997 йилги Камолиддин Беҳзод номидаги Ўзбекистон давлат мукофотига асарларни тақдим этиш муддати 1997 йилнинг 4 апрелидан шу йилнинг 4 июнигача белгиланганлигини маълум қилади.**

**Миср президентининг рафиқаси Сўзан Муборак ЮНЕСКОнинг «Ибн Сино» олтин медали билан тақдирланди. Сўзан хонимнинг бундай мукофотга сазовор бўлиши бежиз эмас, албатта.**

**Президентнинг рафиқаси мана 15 йилки, мамлакатда саводсизликка барҳам бериш, болалар таълим-тарбиясини кучайтириш, маданият ва маърифат ишларини такомиллаштиришда фаол иштирок этиб келмоқда.**

**ЮНЕСКОнинг таълим-тарбия ва маданиятни кенг тарғиб этишдаги ютуқлари учун йирик арбобларга тақдим этиладиган «Ибн Сино» олтин медалини Сўзан хонимга ушбу нуфузли халқаро ташкилот Бош директори Федерико Майорнинг ўзи топширди.**

**Қарши шаҳрида Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон миллий комиссияси, ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси ҳамкорлигида «Ёшлар ва Ўзбекистоннинг маънавий юксалиши» мавзуида семинар бўлди.**

**Анжуман иштирокчилари «Ёшлар: маънавият ва ватанпарварлик», «Ёшлар: демократия ва ҳуқуқ», «Ёшлар: таълим ва тадбиркорлик» каби мавзуларда фикр алмашдилар.**

**Семинарда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Бари Пейн сўзга чиқди.**

**«Туркистон» ва ЎзА хабарлари асосида тайёрланди.**

## МОВИЙ АФСОНА

Ўзбекистон мусаввирлари, меъмору ҳунармандлари яратган мўъжизалари жаҳон санъат шинавандалари томонидан кўп эътироф этилган. Юртимиз довруғини оламга ёйган яна бошқа қўли гул усталар борки, уларсиз халқ амалий санъатини тўлиқ тасаввур этиб бўлмайди.

Пойтахтимиздаги «Илҳом» ёшлар театрида ташкил этилган Риштон бадиий кулолчилик буюмларининг кўргазмаси «Устоз-Шогирд» дея номланиб, у Республика ёшларининг «Қамолот» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон тадбиркор аёллар уюшмасининг «Зумрад» маданият маркази ташаббуси билан ўтказилмоқда. Кўргазмада йигирма уч нафар етук кулол-мусаввирларнинг 250 дан ортиқ яратган сопол буюмлари намойиш этиляпти. Нафис гулли кўзалар, жозибадор нақшли лаганлар, косалардан кўзингиз кувонади. Моҳир усталар меҳнатига офаринлар айтасиз. Дарвоқе, Риштон кулолчилигини Ўзбекистоннинг мовий афсонаси ҳам дейишади. Салкам тўққиз асрки, юртимизнинг турфа тимсоллари ва сиймолари яшайди унда.

— Ўтмишда Фарғона водийсида кичик бир қишлоқ бўлган Риштон шаҳри қадимдан ўз кулоллари билан шуҳрат қозониб келган, — ҳикоя қилади Ўзбекистон халқ рассоми, давлат мукофоти совриндори Иброҳим ака Комилов. — Бу касб бизга ота мерос. Ота-боболаримнинг бари кулол ўтишган. Элибой Далиевдек устозларим бўлган. Ўғлим Исмоилжон ва Исроилжон Комилов ҳам кулол. Кўргазмада Ашурали Йўлдошев, Кимсанбой Ғанижонов каби шогирдларим билан бирга иштирок этаяпмиз. Уларнинг ҳам ўзларига яраша шогирдлари бор. Уста шогирдсиз бўлса, у мевасиз дарахтга ўхшаб қолади.

— Халқимиз анъана ва қадриятларга бой, — дейди «Камолот» жамғармаси бошқарувининг раиси Хотам Абдураимов, — шулардан энг чиройлиси «Устоз-шогирд» анъанаси бўлса керак менимча. Бу анъанани давом эттириш ниҳоятда зарур. Авваламбор ёшлар халқ амалий санъатидан, меросимиздан бохабар бўлишлари билан биргаликда бўш вақтларини беҳуда ўтказмайдилар.

Бугунги кунда рассом кулоллар ишлаб чиқаришга жорий этиш учун бадиий буюмларнинг янги турлари ва шаклларини яратиш борасида тинимсиз изланишлар олиб боришаяпти. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, таниқли уста Ашурали Йўлдошев ана шундай изланувчан кулоллардан бўладилар.

— Ҳар йили янги буюмларнинг 50-60 тури ўзлаштирилади, — дейди у киши биз билан суҳбат чоғида, — булар жумласига буюмлар йиғмаси, идиш-товоқлар, манзарали лаганлар, кўзалар, совға учун мўлжалланган мўъжаз ҳайкалчалар киради Аждодларим кулол бўлишган. Олти фарзандимдан тўрт нафари кулолчилик билан шуғулланиб, биргаликда Усто Абдулло номидаги кичик корхонада меҳнат қиламиз.. БМТнинг Ўзбекистондаги вакили Ҳолид Малик рафиқаси Картэрхоним билан кўргазмадан ниҳоятда ҳайратга тушганини пайқаш мушкул эмас.

— Усталар меҳнатига, санъатига қоил қолмасликнинг иложи йўқ, — дейди Ҳ. Малик ҳаяжонини яширмай, — БМТ ташкил этилганининг 50 йиллик санасида ҳам шундай кўргазма бўлиб ўтганди.

Дарҳақиқат, ўзбек ҳунармандлари яратган сопол идишлар Чехия ва Словакия, Финляндия, Франция, Англия, Швеция, Германия, АҚШ, Испания, Арабистон, Эрон, Ироқ, Миср, Бельгия, каби мамлакатларда намойиш этилмоқда.

— Аслида кулолчиликнинг маркази ҳам Риштон саналади, — таъкидлайди Иброҳим ака, — Жаҳонга машҳур усталар ҳам шу ердан етишиб чиқишган. Инсоният пайдо бўлибдики, кулолчилик мавжуд.

Устанинг гапларини тинглаб, бир нарса ёдимга тушиб кетди. Эмишки, сопол идишларда таом ейилса катта савоб бўлар экан. Бунинг боисини кўп йиллардан бери билмасдим. Энди англаб етдим...

Жимжимадор «Сегул», «Анорғул»лар бир афсона сўзлашарди мовий рангда...

**Назокат УСМОНОВА**



## ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

Аввал хабар қилганимиздек Республика Ёшларининг «Камолот» жамғармаси қошида ташкил этилган «Бухоро тарихини ўрганиш» илмий маркази ўзининг амалий фаолиятини бошлади.

Илмий марказнинг аъзолари, бир гуруҳ таниқли олимлар, мутахассислар Бухородаги аждодларимиздан бизга мерос қолган табаррук қадамжоларни, жомеъ масжидлару мадрасалар, хонақолару обидаларни, элулуснинг ўтмиш маданиятини ўргангани Бухорои шарифга жўнаб кетдилар.

... Бухоро, миноралар тепасида уя қурган лайлаклар энди безовта эмас, сокин назарини кундан-кунга файзу барокот топаётган шариф шаҳарга қараб, мағрур боқарлар.

Бухорода мангу ором топган табаррук зотларнинг руҳи покларини хушнуд қилмоқ ниятида сафарга чиққан зиёкорларга: йўлингиз бехатар бўлсин — деймиз.

**«Туркистон»нинг махсус мухбири.**

*Акс-садо*

## ИҒВОГА МУНОСИБ БАҲО

Шу йил 26 март куни «Независимая газета»сида «МДҲ : тарихнинг бошланишими ёки охири?» сарлавҳали «ҳужжат-мақола» босилган бўлиб, унда МДҲга аъзо давлатлар раҳбарларининг Москвадаги учрашувига бузғунчиликдан иборат ўзига хос «совға» тайёрланган эди. Журналист Иброҳим Норматовнинг «Туркистон» газетасида босилган «Ақллилик» балоси» сарлавҳали (1997 йил, 2 апрель) чиқишида бу «ҳужжат-мақола»даги шовинистик даъволар ва иғвогарлик мақсадидаги баёнотларга муносабат билдирилган.

Интерфакс ахборот агентлигининг хабар беришича, «Независимая газета»да босилган «ҳужжат-мақола» нафақат Ўзбекистонда, балки МДҲ га аъзо деярли барча давлатларда эътирозлар ва норозилик баёнотларига сабаб бўлган. Жумладан, Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаков бундай материаллар Россиянинг ўзига ҳам, унинг Ҳамдўстлик давлатлари билан муносабатлари истиқболига ҳам зарар етказади, деган фикрни айтган.

Россия ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили Геннадий Тарасов Москвада матбуот конференцияси ўтказиб, «ҳужжат-мақола»ни «геополитик манфаатни даъво қилувчи материал», «Россиянинг МДҲ га аъзо давлатларга нисбатан ўтказаётган сиёсатига доғ тушириш ҳамда Ҳамдўстликнинг ички сидаги интеграция жараёнига ҳалақит бериш учун қилинган ҳаракат» деди.

«Ҳужжат-мақола» МДҲ га аъзо бўлган бошқа давлатларда ҳам шундай акс-садо берди. Жумладан, Грузия Республикаси Президенти Эдуард Шеварднадзенинг матбуот хизмати тарқатган баёнотда «ҳужжат-мақола» МДҲ давлатлари, биринчи навбатда Россиянинг ўзи ҳақорат қилинган» дейилади.

*Бозор ислоҳотлари: муаммо ва ечимлар*

## Товуқ тухум қилармикин...

«Банкрот деб ҳисоблансин». «Ўзпаррандасаноат» уюшмасининг махсус комиссияси «Наманганпарранда» акционерлик жамияти (илгариги Наманган паррандачилик фабрикаси)га нисбатан ана шундай ҳукм чиқарган эди. Кейинчалик акционерлик жамиятининг мол-мулкини кимошди савдоси орқали пуллашга уриниб кўрилди, лекин корхона шу қадар қаровсиз қолган эдики, уни сотиб оладиган одам топилмади.

Орада комиссиянинг дастлабки қарори асоссиз топилиб, акционерлик жамиятининг олдинги мақоми қайтариб берилди. Тўғри, корхонанинг номигина қолган: бу ердаги инкубатор ва цехлар бутунлай ҳувиллаб ётар эди...

Ўшандан буён икки йил вақт ўтди. «Наманганпарранда» ҳамон мавжуд эди. Ҳозир бу ерда 25 минг товуқ боқилмоқда. Улар ҳали тўла тухумга кирмагани учун самарадорлиги ҳозирча айтарли эмас — йил бошидан буён 30 минг донага яқин тухум етиштирилди. Дастлаб бу арзимаган кўрсаткичдек туюлади. Чунки, олдинги йилларда бу ерда 500 мингтадан кўпроқ товуқ боқилар, бир йилда етиштирилган тухум 25 миллион донага етар эди. Бироқ, акциядорлар ҳамма ишни бошидан бошлашга мажбур бўлганини эътиборга олмоқ керак.

— Йил охиригача тухум қиладиган товуқлар сонини юз мингтага етказмоқчимиз, — дейди «Наманганпарранда» акционерлик жамияти раиси Раҳимжон Набижонов режаларини сўзлаб берар экан. — Ўшанда ҳар куни 50 минг дона тухум етиштириш мумкин бўлади.

Режани рўёбга чиқариш учун акционерлик жамиятига четдан ёрдам зарур. Наманганлик паррандачилар узоқ муддатли имтиёзли кредит ана шундай ёрдам бўлади, деб ҳисоблашмоқда. Ҳозирги пайтда банклар таклиф этаётган кредит муддати 3 ойдан ошмайди. Бундай шароитда харажатларнинг ўрни қопланмай туриб, банкдан олинган пулни қайтаришга, бунинг устига фойдасини ҳам тўлашга тўғри келади.

Акционерлик жамиятининг ҳозирги молиявий -иқтисодий аҳволи шундайки, омухта ем сотиб олишга пул етишмаяпти. Бундай ем таркибини яхшилаш учун ҳам маблағ талаб қилинади. Бундай вазиятда банкдан олинган кредитни белгиланган муддатда қайтариб бўлмайди. Акционерлик жамияти мутахассислари корхонани ривожлантириш учун қанча миқдорда узоқ муддатли кредит зарурлигини пухта ҳисоблаб чиққан. Шундай қилинсагина, одамлар учун зарур маҳсулот етиштирадиган бу йирик корхонанинг олдинги шуҳратини тиклаш мумкин бўлади.

Бутун вилоят паррандачилиги ҳам ана шундай ёрдамга муҳтож. «Уйчипарранда» акционерлик жамиятида иш «Наманганпарранда»га нисбатан бироз яхшироқ. Аммо бу ерда ҳам бир неча йилдан буён парҳез гўшти етиштиришни йўлга қўйиб бўлмаяпти. «Косонсойпарранда» акционерлик жамияти эса, гўштбоп парранда (бройлер) етиштириш учун тухум топа олмаяпти. Вилоят хўжаликларида жойлашган паррандачилик комплекслари, кичик фабрикаларда ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Шуни айтиш кифояки, ўтган йили уч миллион донага яқин тухум етиштирилди. Ҳолбуки, камида 8 миллион дона тухум олиш мўлжалланган эди. Бу йил 6 миллион дона тухум етиштириш режалаштирилган. Бироқ, бу режа ҳам рўёбга чиқиши қийинга ўхшаб турибди.

Тухум етиштиришнинг ҳақиқий даражаси билан режа ўртасидаги катта тафовутни мумкин қадар тезроқ бартараф этиш зарур. Бу ҳақда энг аввал вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси жон куйдириши керак. Лекин, бошқарма номаълум сабабларга кўра, паррандачилик муаммоларига алоҳида эътибор бермаяпти. Ҳар ҳолда бошқармининг чорвачилик бўлими ходимлари вилоятда тухум ва парранда гўшти етиштириш кўрсаткичлари тўғрисидаги оддий саволга бу статистика органларининг иши, деб баҳона қилиб, тўғри жавоб бера олишмади. Буни қарангки, парранда гўшти ва тухум етиштиришнинг бошқармага ҳеч қандай даҳли йўқ эмиш...

Шундан сўнг вилоят бозорларида тухумнинг нархи пасаймаётганига ажабланиш мумкинми? Паррандачилар муаммолари уларнинг ўзидан бошқа ҳеч кимни қизиқтирмаса, аҳвол қандай ўзгарсин?

**Н. ХЎЖАЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

"Туркистон" газетаси реклама учун энг қулай имконият



реклама ва эълонлар учун тел: 33-95-97, 33-79-69

